

Ривожланган асримизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қутилмаган воқеалар бўлиб туриши табиий. Худди шунингдек, батамом сиёсий жараён — парламент сайловларида ҳам қутилмаган натижаларга рўбарў келиш мумкин. Аммо Японияда бўлиб ўтган парламент куйи палатаси сайловларида 1955 йилдан бери мамлакатда ҳукмронликни қўлдан бермай келаётган Либерал-демократик партиянинг мағлубиятга учраши-ю муҳолифатдаги Демократик партиянинг галабага эришиши қутилмаган воқеа эмасди. Бу айнан қутилган натижа эди. Сайлов жараёнларидан аввал ўтказилган сўров натижалари ҳам шундан далолат берганди.

Аслида бундай натижанинг тамал тоши 2004 йилда қўйилган, дейиш мумкин. Яъни ўша йили 11 июлда парламентнинг юқори палатасига бўлиб ўтган сайловларда муҳолифатдаги Демократик партия 50 та мандатни қўлга киритган эди (аввалги сайловда бу кўрсаткич 38 та бўлган). 2007 йил 29 июлдаги юқори палата сайловларида эса Демократик партия ҳукмрон коалиция — Либерал-демократик партия ва Янги Комэйто партияси устидан тўлиқ галабага эришиб, юқори палатада назоратни қўлга олган эди. Ушундан коалиция 242 та мандатдан 103 тасини эгаллаган бўлса, Демократик партия 109 тани қўлга киритган.

Япония ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги кейинги жараёнлар — мамлакат иқтисодий-социал-демократик партияси ва Янги Комэйто партияси устидан тўлиқ галабага эришиб, юқори палатада назоратни қўлга олган эди. Ушундан коалиция 242 та мандатдан 103 тасини эгаллаган бўлса, Демократик партия 109 тани қўлга киритган.

ган бўлса, жорий йилда 38 та ўринни эгаллаган, Демократик партия эса аввалги сайловдаги 34 та ўринга 54 та мандатни қўлга киритган) унинг ҳукмронлик шохсупасидан четлашшини тезлатди. Буни ҳатто мамлакатнинг собиқ

эди, балки партия етакчилигидан ҳам кетади. 28 сентябрь куни Либерал-демократик партиянинг янги етакчиси сайланади. Энди бош вазирлик курсисини мамлакат қонунчилигига қўра, сайловда галабага эришган Демок-

муҳофазасига алоҳида эътибор қаратмоқчи. Жумладан, солиқ миқдорини камайтириш, автомагистраллардаги ҳаракат учун тўловни бекор қилиш, фермерларни дотация ҳисобига қўллаб-қувватлаш у юридагидан ижтимоий сиёсатнинг бош мезонларидан бўлиб қолади. Шунингдек, у мамлакат аҳолисини ёшартириш мақсадида ҳар бир тутилган чақалоқ учун ота-оналарга ойига 275 доллардан кўмак пули тўлишини таъминлашга ваъда берган.

Шу ўринда Япония парламенти ҳақида ҳам қис-

ЯНГИЛАНИШ: ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯ мағлубиятга учради

бош вазири, Либерал-демократик партиянинг 69 ёшли етакчиси Таро Асо ҳам тан олди.

Шундай қилиб, яқинда бўлиб ўтган куйи палата сайловларида 480 та депутатлик ўрни учун 1374 номзод кураш олиб борди. Муҳолифатдаги Демократик партия 308 та, Либерал-демократик партия эса 119 ўринга эга бўлди. Сайлов жараёнларида 103 миллионга яқин киши овоз берди.

Либерал-демократик партия қажватқич мағлубиятга учрагач, унинг вакили, мамлакат бош вазири Таро Асо истеъфога чиқди. У нафақат бош вазирлик лавозимини тарк-

ратик партия раиси, 62 ёшли Юкио Хатояма эгаллайди. Бу воқеа 16 сентябрь куни бўлади. Шу кунди Демократик партия ва Либерал-демократик партиянинг куйи палатадаги вакиллари парламентнинг фавқулодда сессиясини ўтказадиган Япония бош вазири сайлайди.

Сессия 4 кун давом этади. Айни дамда Юкио Хатояма янги ҳукуматни шакллантириш устида иш олиб бормоқда.

Унинг сайловолди курашларида берган ваъдалари ҳақида тўхталадиган бўлсак, у ҳар бир япон фуқаросининг ижтимоий

қача тўхталиб ўтсак.

Мамлакатдаги олий қонунчилик органи — парламент икки палатадан таркиб топган: куйи — вакиллар палатаси (Сюгийн) ва юқори — маслаҳатчилар палатаси (Сангийн).

Вакиллар палатаси 480 депутатлик ўрнига эга бўлиб, у 4 йиллик муддатга сайланади. Аммо бу муддат тугамай туриб, палата тарқатиб юборилиши ҳам мумкин. У ҳолда 300 депутат бир мандатли округлар бўйича, 180 нафари эса партиявий рўйхат бўйича сайланади.

Куйи палатани тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорни Вазирлар

Шарҳ

Маҳкамаси қабул қилади, аммо унинг расмий ижроси мамлакат императори фармонидан сўнг амалга оширилади.

Юқори палата — маслаҳатчилар палатаси 242 ўринга эга бўлиб, унинг вакиллари 6 йил муддатга сайланади. Ҳар уч йилда уларнинг ярми янгидан сайланади. Конституцияга қўра, юқори палата тарқатиб юборилмайди.

Янги бош вазирни сайлаш, мамлакат бюджетини шакллантириш ва тасдиқлаш, халқаро шартномалар муҳокамаси масаласида куйи палата кенг имкониятларга эга. Шунингдек, куйи палата ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳуқуқи билан ҳам «сйланган». Юқори палатага эса бундай ваколат берилмаган.

Бугунги кунда парламентнинг куйи палатасини конституциявий муддати тугамай туриб тарқатиб юбориш Япония учун одатий ҳолга айланган. Мамлакатнинг урушдан кейинги тарихи давомида атиги бир мартагина (1976 йилда) палата депутатларининг 4 йиллик муддати тўлиқ таъминланган ҳолос.

Жорий йилнинг 13 июлида ҳам Япония бош вазири Таро Асо куйи палатани 21 июлдан 26 июлгача бўлган муддатда тарқатиб юбориш ва 30 августда янги сайлов ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Бу қарор эса у етакчилигидаги партияга мағлубият олиб келди.

Алимқул СУЛТОНОВ,
шарҳловчи

Инсон хотираси — азиз

ОЛИМЛАР ЧАРОҒБОНИ ЭДИ

Илм-фан соҳасида яратилган кашфиётлар, ихтиролар унутилмайди, улар эл-юртга, инсониятга фойда келтиришда давом этаверади. Тошкентлик академик Ҳосил Фозилонинг бой илмий мероси ҳам олий ўқув юртлари дарсликларидан жой олган, илмий хулосалари энергетика соҳасида бугун ҳам кенг қўлланиляпти.

Ҳосил Фозилонинг инженер-мелиоратив факультетида ўқишга кириди. Талабалик чоғларидаёқ ўзбек тилида «Бошланғич электроника» китобини ёзди. 1934 йилда университетни битириб, ассистент лавозимига қўйилди ва шундан бошлаб илмий ишга бутун умрини бағишлади. 1940 йилда номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилади. Олим Тошкент индустриал институтига қайтиб, бир йўла учта — «Юқори кучлилар техникаси», «Қиска туташ токи» ва «Электр тармоқлари» фанларидан дарс беришга киришади.

Орадан кўп ўтмай Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Фарбий ҳудудлардаги қўллаб-ташкилот ва корхоналар, олий ўқув юртлари, мутахассис ва олимлар Тошкентга эвакуация қилинди. Таниқли олимлар ташаббуси билан Фанлар академиясининг Тошкентдаги сув ҳўжалиги муаммолари бўлими Энергетика институтига айлантирилди. Шундан сўнг кенг миқёсда олиб борилган илмий тадқиқотларга Ҳосил Фозилонинг ҳам жалб этилди.

Уруш йилларида электр энергияси таъминоти энг долзарб муаммога айланади ва зудлик билан бир неча ГЭС қуришга киришилади. Улардан бири қуввати 100 минг кВтдан ортқ бўлган Фарҳод ГЭС бўлиб, 110 кВ кучланиш билан бор қувватни Чирчиқ комбинатига узатиш муаммоси кун тартибига кўйилади. Муаммони ҳал этиш учун юқори кучланиш электр энергиясини олиб олиш зарур эди. Шунда Ҳосил Фозилонинг бу боғлиқликни тажриба ўтказиш асосида аниқлашни тақлиф этди ва қўйилган муаммонинг ижобий ечимини топилди. Бу бўлу-си фан докторининг илк ютуғи эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Энергетика институтига 1 миллион киловольтли импульс трансформаторлар каскадига ва тегишли уч фазали электр узатиш линиясига эга бўлган юқори кучланиш лабораторияси қурилди.

1946 йилда «Электричество» журналинда Ҳосил Фозилонинг «Мураккаб занжирларда қувват оқимлари тақсимотининг умумлашган методи» номли кенг қамровли мақоласи босилиб чиқиши энергетика соҳасидаги таниқли олимлар орасида икки йил давомида катта

мунозарага сабаб бўлди. Мунозара ўзбек олими тақлиф этган умумлашган методнинг кенг жамоатчилик томонидан тан олинishi билан поёнига етди. Бу метод кейинчалик мураккаб электр тизимларида учрайдиган барча режимларни ҳисоблашнинг бош математик инструменти бўлиб қолди ва жаҳонда нашр этиладиган электр энергияси тизимларида бағишланган дарсликлардан ўрин олди. Шу тариқа Ҳосил Фозилонинг электр тизимлари режимларини таҳлил қилиш назариясининг асосларидан бири сифатида эътироф этилди. Олимнинг бу кашфиёти 1953 йилда «Электр тизимларининг назарияси ва ҳисоблаш методлари» номли докторлик диссертациясининг ҳимояси бўлди ҳамда шу йилнинг ўзидаёқ монография сифатида чоп этилди. 1956 йилда у Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоллигига қабул қилинди.

Ҳосил Фозилонинг кашфиётларидан яна бири — асинхрон генераторларнинг энергетика тизимларини ишлаш самардорлиги ва барқарорлигини оширишдаги ролини асослашга бағишланган. Унинг бу икки кашфиёти шогирдлари томонидан ўнлаб докторлик ва номзодлик диссертацияларининг ҳимоя қилинишига асос бўлди. Унинг раҳбарлигида амалга оширилган илмий ишларда республиканинг электр энергияси ресурсларини ўзлаштириш лойиҳалари илмий жиҳатдан асослаб берилди, электр тизимларини ҳисоблаш алгоритми яратилди, бу республиканинг энергетика ва сув муаммоларини ечишга улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Олимнинг узок йиллик илмий меҳнатларининг самараси бўлган «Электр энергетикавий тизимлар режимларини оптималлаштириш» (1987) ва «Электр энергетикавий тизимларнинг барқарорлашган режимлари ва уларни оптималлаштириш» (1999) каби китоблари мамлакатимиз ҳамда чет эл олий ўқув юртларида электр энергетикаси фанига оид дарсликларга асос қилиб олинган.

Унинг илмий, педагогик ва жамоатчилик фаолияти ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланган. У Ал-Хоразмий олтин медалига сазовор бўлган.

Пўлат ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
фан арбоби.

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!



Хивадаги «Хивасервис» маҳсулотларида талабгорлар кун сайин кўпаймоқда. Уттиз турдан зиёд бе-

жирим, арзон, сифатли дурдгорлик ашёлари тайёрланаётган корхона цехларида бугун 50 на-

фарга яқин ёш муқим иш ўрни билан таъминланган. — Касб-хунар коллежани тамомлаб, пресслаш



Цехига ишга кирдим. Бу ерда Зафар Бежоновга шогирд тушдим, — дейди Исролжон Қаландаров Ассан ёшлардан иборат жамоамиз ахил ва иноқ. Ҳар кун ниманидир ўрганаётган. Ишимдан, ҳаётимдан мамнунман. Ола-

диган маошимдан нолимайман. Муҳими бировни қўлига қарамай, балки ота-онамга ёрдам бераётган. Хунарим орқасидан одамларга қўшиляпман.

Суратларда: корхона фаолиятдан лавҳалар.



Шавкат АҚРОМОВ олган суратлар.

ДЕҲҚОНОБОДЛИК КАСАНАЧИЛИК ЧЕВАРЛАР

Деҳқонобод тумани азалдан қўлигил чеварлари билан эл оғизига тушган. Чорвадор элда гилам тўқиш, уй-рўзгор буюмларини ясаш авлоддан авлодга ўтиб келаётган хунар. Чеварлар тайёрлаган буюмлар вилоят ва мамлакатимизда ўтказилган кўрикларда эътироф этилмоқда.

— Очиғи, туманимиздаги қадимдан қолган каштадўзлик, гилам тўқиш ва бошқа хунарларни устаси кўп, — дейди туман ҳокимлиги ходими Тожион Эргашева. — Шунинг учун касаначиликни ривожланишига жиддий эътибор бераёلمиз. Масалан, «Рохат» кичик корхонаси раҳбари Мунаввар Нурхонова 15 нафар чеварни бирлаштириб, чопон, гилам, кўрпа каби маҳсулотларни тайёрлашни йўлга қўйган. «Шўртан» газ-кимё мажмуи раҳбарияти Оқработ қишлоқ фуқаролар йиғини билан шартнома тузиб, 20 та тикиш машинаси олиб берди. Худудий Бандлик дастури асосида касаначиликни ривожлантиришнинг бошқа имкониятлари ҳам изланмоқда.

(Ўз муҳбиримиз)

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

иш берувчидан қонун-қоидага қатъий амал қилишни талаб қилади

Корхона ва ташкилотда ишловчи ходимларнинг меҳнат муҳофазаси қонун билан мустаҳкамланган. Жумладан, «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун бу борада муҳим ҳужжат ҳисобланади. Лекин айрим жойларда ходимларнинг меҳнат шартини, меҳнат муҳофазасига нисбатан панжа ортидан қараш муносабати учраб туради.

Сирдарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармаси давлат меҳнат техника инспекторлари ва меҳнат шартини экспертилари томонидан вилоятдаги 25 та ҳўжалик юритувчи субъектларда текширишлар

ўтказилганда қатор камчиликлар аниқланди. Меҳнат муҳофазасига оид йўл қўйилган камчиликлар юзасидан иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилиб, меҳнат, меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган 21 та ҳўжалик юритувчи субъектнинг 21 нафар мансабдор шахсларига 1097,0 минг сўм миқдорда маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Вилоятдаги 48 та бюджет муассасаларида аниқланган 12639 та камчиликлар юзасидан эса иш берувчиларга аниқ муддатлари кўрсатилиб, бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди.

Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган 39 нафар мансабдор шахсга 1944,0 минг сўм миқдорда жарима қўлланилди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар юзасидан 14 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, улар 818,9 минг сўм миқдорда жаримага тортилди. Бундан ташқари, бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлишида айбдор бўлган мансабдор шахсларга қатъий чоралар

қўриш бўйича ҳуқуқни муҳофазаси қилиш идораларига махсус текшириш ҳужжатлари юборилди. Ҳар бир бахтсиз ҳодиса содир бўлишига йўл қўйган корхонада давлат меҳнат техника инспекторлари томонидан семинар йиғилишлар ўтказилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Нохўш ҳолатларга йўл қўйган корхоналарнинг юқори туровчи идораларига ва туман (шаҳар) ҳокимликларига тақдимномалар киритилди. Бахтсиз ҳодисалар юз

берган ва бошқа турдош корхоналарга жами 139 га яқин хат юборилиб, бугунги кунда давлат меҳнат техника инспекторлари томонидан ушбу корхоналарга амалий ёрдам бериш ишлари давом эттирилмоқда. Тахлиллар, аввало, ходимнинг ўзи меҳнат муҳофазасига оид қонун-қоидаларни етарли билмаслигини кўрсатмоқда. Шу боис уларнинг бу борадаги саводхонлигини ошириш талаб этилади. Турли кўнгилсизликлар

олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Вилоят ҳудудидаги 4469 та фермер ҳўжаликларидан меҳнатни муҳофазаси қилиш борасида мониторинг ўтказилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилди. Бундан ташқари, давлат меҳнат техника инспекторларимиз томонидан касаначилик иш ўринлари яратилган 147 та корхоналардаги 1499 нафар касаначи билан алоҳида тушунтириш иш-



лави йўлга қўйилган. Меҳнат муҳофазаси тўлақонли, яхши шартини таъминлайди. Унга амал қилиш, энг аввало, ўз соғлигини асраб-

авайлаш ҳамда меҳнатни роҳатга айлантириш шартини ҳисобланади. **Тўлқин АБДУРАЗОҚОВ,** Меҳнат шартини ривожлантиришнинг бошқа имкониятлари ҳам изланмоқда. (Ўз муҳбиримиз)

Баркамол авлод орзуси

ИСТЕЪДОДЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТ

Мамлакатимизда келажак авлодга кўрсатилаётган гамхўрлик ва эътибор, яратилаётган шароитлар бугун мусиқа санъати йўналишида ҳам кўзга яққол ташланмоқда

Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари- нинг моддий-техник базасини мустақкамлаш ва уларнинг фа- олиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга



мўлжалланган Давлат дастури»га мувофиқ жорий йилнинг ўзида республикамиздаги 6 та мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаблар тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ҳам янги Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилди. Ушбу таълим муассасасида юртимиз-

даги иқтидорли ўқувчилар тахсил олиш имкониятига эга бўлди. — Таълим даргоҳимиз яқинда ташкил қилинганига қарамай истеъдодлар билан гавжум, — дейди маънавий ишлари бўйича директор ўринбосари Дониёр Уралов. — 1300 га яқин ўқувчи мусиқа ва санъат ҳамда бошқа қатор йўналишлар бўйича таълим-тарбия олмақда. Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.



«ISUZU» АВТОБУСЛАРИ

Президентимизнинг «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарори асосида Наманган йўловчи ташиш давлат унитар корхонаси ташкил қилинди.

Хозирча 3 та йўналиш бўйича хизмат кўрсата бошлаган мазкур жамоат транспорти октябрь ойига қадар 200 тага етказилиб, 22 та йўналиш бўйича аҳоли узоғини яқинлаштиради.

— Автобусларга 400 нафар хайдовчи махсус синов билан ишга қабул қилинди, — дейди корхона бошлиғи Нурилло Сайдуллаев. — 300 нафар кузатувчининг 100 нафарини касб-хунар коллежларини эндигина тамомлаган ёшлар ташкил этмоқда.

Йўлқиранинг 200 сўм этиб белгилангани, ногиронлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар, шунингдек, 14 ёшга ча бўлган мактаб ўқувчиларига бепул юриш имти-

эзи берилганидан аҳоли мамнун бўлмоқда. — Яна бир қувонарли жиҳати шуки, — дейди меҳнат фахрийси Иминжон Усмонов. Автобуслар қатнови оралиқ вақти 7-10 минутни ташкил этмоқда.

«Ишчи» маҳалласида «дастурхончи»ман, — дея ўзини таништириб гап бошлади Сороҳон ая Азизова. — Автобуска чиқиб кайфиятингизни кўтариб бунинчи сифатни айтиш, хайдовчи очик чеҳралари, кузатувчи билан бир хилда озода кийинган, муомаласи жуда ёқимли.

Дарҳақиқат, автобуслар «чаккаси»да қиллираб турган байроқчалар ҳам кишига қувонч ва ғурур бағишлайди. Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИТАЛИЯ РИНГЛАРИДА

Италиянинг Милан шаҳрида ҳаваскор боксчилар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида дунёнинг бир юз ўттиз уч мамлакатидан келган беш юз нафардан зиёд «чарм қўлқоп» усталари рингга чиқишмоқда. Унда Шароф Худойбердиев бош мураббийлик қилаётган мамлакатимиз терма жамоаси ҳам иштирок этаётди. Ушбу нуфузли мусобақада мутахассислар иқтидорли боксчиларимиз Алишер Маҳмудов (48 кг.), Шахриёр Исоқов (51 кг.), Тўлашбой Дониёров (54 кг.), Баходиржон Султонов (57 кг.), Хуршид Тожиев (60 кг.), Санжарбек Раҳмонов (64 кг.), Ботиржон Маҳмудов (69 кг.), Аббос Атоев (75 кг.), Элшод Расулов (81 кг.), Рамжон Аҳмедов (91 кг.) ҳамда Сардор Абдуллаев (+91 кг.)ларга ишонч билдиришган.

Италиянинг Милан шаҳрида ҳаваскор боксчилар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида дунёнинг бир юз ўттиз уч мамлакатидан келган беш юз нафардан зиёд «чарм қўлқоп» усталари рингга чиқишмоқда. Унда Шароф Худойбердиев бош мураббийлик қилаётган мамлакатимиз терма жамоаси ҳам иштирок этаётди. Ушбу нуфузли мусобақада мутахассислар иқтидорли боксчиларимиз Алишер Маҳмудов (48 кг.), Шахриёр Исоқов (51 кг.), Тўлашбой Дониёров (54 кг.), Баходиржон Султонов (57 кг.), Хуршид Тожиев (60 кг.), Санжарбек Раҳмонов (64 кг.), Ботиржон Маҳмудов (69 кг.), Аббос Атоев (75 кг.), Элшод Расулов (81 кг.), Рамжон Аҳмедов (91 кг.) ҳамда Сардор Абдуллаев (+91 кг.)ларга ишонч билдиришган.

Мусобақанинг бешинчи кунда тўрт нафар вақилимиз рингга кўтарилиди. Жумладан, Афина олимпиадаси совриндори Баходиржон Султонов (57 кг.) ўз вази тоифасида венгриялик Янош Михалини 18:3 ҳисобида енгиб, кейинги босқичга йўланма олди. Ёшлар ўртасида ўтган йили Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Ботир Маҳмудов (69 кг.) эса Сифаву Лусизи (Жа-


нубий Африка Республикаси)га рўбарў келди. Эндигина ўн тўққиз ёшга тўлган ҳамюртимиз рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади — 17:9. 75 кг. вази тоифасида Осиеў йўнларни голиби, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Элшод Расулов бу гал бошқа вазида кураш олиб бормоқда. Жумладан, 81 кг. вази тоифасида кениялик Жошуа Ндерега қарши баҳс юритган Элшод рақибини катта устунлик билан енгди — 13:2. Қўқон бокс мактаби тарбияланувчиси Рамжон Аҳмедов (91 кг.) бундай йирик мусобақада илк маротаба рингга кўтарилишмоқда. Шунга қарамай, у македониялик Димитар Ташковни учрашувнинг иккинчи раундида нокаутга учратиб, Ўзбекистонда яна бир истеъдодли боксчи етишиб чиқаётганини намойиш қилди.

Кеча жаҳон чемпионатининг нимчорак финал баҳслари давом этирилди. Унда Тўлашбой Дониёров (54 кг.) германиялик Денис Макаров, Ботир Маҳмудов (69 кг.) исроиллик Константин Снигур, Элшод Расулов (81 кг.) доминиканлик Жилберт Ривера Кастильо билан ўзаро баҳс юритишди.

Бугун эса яна беш нафар «чарм қўлқоп» устаси Санжар Раҳмонов, Аббос Атоев, Баходиржон Султонов, Рамжон Аҳмедов ҳамда Шахриёр Исоқовлар нимчорак финал босқичи учрашувларини ўтказишди.

ЎЗБЕКISTON ЭРОН — 0:0

Пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионидан Ўзбекистон — Эрон миллий терма жамоаларининг ўртоқлик учрашуви ўтказилди.



Гарчи, ўйин хавфи вазиятларга у қадар бой бўлмаса-да, терма жамоамиз аъзолари мазмунли ўйин намойиш этишга ҳаракат қилдилар. Эронлик футболчилар ҳам ўзларининг ҳужумкор хатти-ҳаракатлари билан ҳамюртларимиз хушёрлигини синовдан ўтказиб туришди. Ўзбекистон терма жамоасида рақиб дарвозасига тўп киритиш учун бир қатор қўлай вазиятлар юзага келганди. Бироқ ҳал қилувчи паллада вақилла-

римизга аниқлик етишмади. Жумладан, ҳужумчи Фарход Тожиев рақиб дарвозабони билан яқма-яқка вазиятга чиқиб борганди. Аммо у қўлай имкониятдан фойдалана олмади. Агар терма жамоамизнинг етакчи ўйинчиларидан бири Одил Аҳмедов майдондан четлатилганида, балки ўйин янада бошқача тус олиши мумкин эди. Ҳисоб 0:0 ҳисобидидаги дуранг билан поёнига етди. Уз навбатида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2010 йили Жанубий Африка Республикасида ўтадиган жаҳон чемпионати Осиеў минтақаси саралаш баҳсларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси билан бир гуруҳдан жой олган Баҳрайн футболчилари мусобақанинг «плей-офф» босқичининг илк ўйинида майдонга тушдилар. Манамада Саудия Арабистони терма жамоасига қарши келган ушбу ўйинда ҳам ҳисоб очилмади — 0:0. Бу жамоаларнинг Ар-Рийддаги жавоб учрашуви 9 сентябрга белгиланган.

Эркин ХОЛБОБО

2005 йилда саёҳатчи-туристлар учун чоп этилган харита-буклетдаги бир сурат эътиборини тортди. Унда ўрмак уриб, гилам тўқийдиган мидлий кийимиздаги аёл тасвири. Сурат шунчалар табиий чиққанки, гиламдўзнинг кўзларида ўз касбидан завқланиш, ҳаётга шукроналик руҳи сезилиб турибди. Сўраб-суриштирсам, бу аёл чироқчилик Чинни Худойкулова экан. Унинг оиласини хориждан келатган меҳмонлар ҳам яхши билишаркан.

Чироқчи — уч-адоғини илғаб олиш қийин кир-адирлар, яйловлар макони. Мен гиламдўзлар оиласи билан танишиш учун кетаётганимни айтганимда, туман ҳокими Камол Равшанов йўлимизга бир экан деди. Машинада Самарқандни Қарши ва Шахрисабз билан боғловчи йўлдан юрганча тепалик устига чиқиб бордик.

Уш келибсизлар, дея кутиб олган истарали бир отахон билан ҳоким юқ сўрашди, кейин мени таништирди. Бу киши — хонадон соҳиби Шариф Худойкулов экан. Тепалик шунчалар баландки, ароф кафтда тургандек кўринадди. Бир чеҳкада кудук, Анчагина дарахт ўстиришибди. Тут дарахтининг соясида гилам тўқийдиган дастоҳ ўрнатилган. Бошқа дастоҳлар уй ичида экан. Бир томонда ниҳоятда кўркам янги уй қад кўтарган. Мен эса бу баланд тепаликка сув ташиб, иморат қуриш машаққатлари ҳақида ўйлардим.

Бу тепалик устида қадимда кўрган бўлган экан, — дейди ўйларимни сезган Шариф Худойкулов. — Қанчалик қийин бўлмасин, ота-боболаримиз макон тутган шу жойини ватан қилдик. Узим узоқ йиллар қишлоқдаги мактабда ўзбек тили ва адабиёт фанидан дарс бердим, хозир нафақаданман. Момонгиз билан ўн бир фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик. Суғориладиган ер йўқ, фақат чашмалар бор. Кўпчилик чорвадор. Биз ҳам мол, қўй боқиб, болаларни меҳнатга ўргатдик.

— Гиламдўзлик-чи? — сўрайман бободан. — Тўқи-

ган гиламларингизни чет элликлар ҳам харид қилишар экан. — Буняман ўз тарихи бор, — кулимсирайди у. — Чироқчида одамлар гиламини сотиб олишмайди, ўзлари тўқийди. Катта момомиз Доно Жониева ниҳоятда чевар бўлган экан. Момонгиз ҳам бу ишда моҳир. Тўқсонинчи йилларнинг

ЧИРОҚЧИ ГИЛАМЛАРИ

уларни хорижда ҳам қадрлашади

бошларида чет эллик меҳмонлар Шахрисабзга ўта туриб, шу жойда тўхташибди. Дастурхон ёздиқ, чой қўйдик. Уларни тепа четидидаги ўтовга ёзилган гиламлар кизиқтириб қолди. «Ана олинг!», деб совға қилиб юбордим...

Бу хонадонда қадим гиламдўзлик хунарига ўзгача меҳр билан қарайдилар. Асрий меросларини аввало фарзандалари, кейин набираларига ўргатишди. Уларга қўни-қўшилларнинг қизлари, чевар уй беклари ҳам келиб қўшилди. Хозирга келиб 50 нафар чевар гилам тўқияпти. Улардан 30 нафари ўз уйларида меҳнат қилишади. Мен катта уйда меҳнат қилаётган чеварлар иши билан танишдим. Шунда ҳаракатлари чакан аёл қаршимга чиқди. Уша харита-буклетдаги суратини эслаб дарров танидим — хонадон бекаси Чинни Худойкулова.

— Бу хунарни менга энам



Халқ амалий санъати

ўргатган, — дейди Чинни момо. — Қадимда янги уйга ёки келин уйи гилам тўқимочи бўлишса, қўни-қўшни халғарга чиққан. «Урмагимга келмаган, ўлимимга ҳам келмасин» деган матал қадимдан қолган-да. Мен ҳам хунаримни қизларим, набираларимга ўргатдим. Қўни-қўшилларнинг қизлари, ёш келинчалар ҳам шогирд тушиб, бинойидай гилам тўқийшапти.

— Энамиз хозир ҳам барчамиздан тез ўрмак урадилар, — дейди момонинг келини Салтанат Кўлдошева. — Мен қўшилди Севара Бердиева. — Қўл билан гиламга гул солиш, тарок уриш осон эмас. Аммо ўрганиб олдим. Чинни момом ўргатдилар.

— Менинг ҳам қўлим келиб қолди, — дейди ўттиз набиранинг эркаси Азиза. — Чет эллик меҳмонлар мен тўқган гиламларни ҳам талашиб олишапти.

— Шу ёшга кириб, Чироқчидан четга чиқмабман, — қулади Чинно момо. — Аммо уйимизга келатган чет эллик меҳмонларни кўриб қувонаман. Хай, юртимиздан, уйимиздан меҳмон аримасин! Шулларнинг кўнглига мос буюм тўқийлик дейман-да... 1994 йилдан бошлаб, бу хонадонга катта йўлдан ўтадиган хорижий сайёҳлар, меҳмонлар тез-тез кўноқ бўлишади. Чеварлар оиласи бюортмага қараб, кичик-катта гиламлар, поёндозлар, рангбаранг сумкалар, совға бу-

юмлар тайёрлайди. Шолча, поёндоз, хуржунга ҳам талаб катта экан.

— Чироқчида мард, меҳмондўст, меҳнатнинг баридан маҳкам тутган ажойиб эл яшади, — сўхбатга қўшилади туман раҳбари. — Мен Қарши туманида туғилиб ўсганман. Чироқчиликлар билан қисқа фурсатда оғани бўлиб кетдим. Чиял бозорига боргансиз-а? Ана шу бозорда халқ хунарамандчилиги буюмларини кўринг. Уларнинг барини нодир санъат асаридейсиз. «Қишлоқ таракети» ва фаровонлиги йилки» Давлат дастури олдимида муҳим вазифаларни қўйган. Аввало, аҳолиси 300 минг кишидан ошган туманда янги иш ўринлари яратиш ҳақида қайғуришимиз керак. Хозир мингдан ортик касаначиларимиз, Чиял, Қўдала каби йирик қишлоқларда ҳам ажойиб гиламдўзларимиз бор.

Бугун Чироқчида тўқилган гиламлар жаҳон бўйлаб тарқалмоқда. Халқ амалий санъатининг ушбу намунаси ажодларимиздан бизгача етиб келиб, бугун янада ривожланмоқда. Бунда эса шубҳасиз Чинни Худойкулова сингари фидойи онахонларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: гиламдўз Чинни Худойкулова (ўнгда) қизи Фазилат (ўртада) ва невараси Азиза билан; гиламдўзлар ижодидан намуналар.



ХОТИРА ТУРНИРИ

Кибрай туманидаги «Геофизика» спорт мажмуасида 1996-1997 йилларда туғилган болалар ўртасида футбол бўйича Тошкент вилояти турнири ўтказилди. У марҳум мураббий Маҳмуд Раҳимов хотирасига бағишланди.

«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Металлург» спорт клуби футбол мактабининг тарбияланувчилари бу мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, 11 та учрашувнинг 9 тасида ғалаба қозонди. Бошқа икки учрашувни дуранг натижа би-

лан яқунлаган бекободликлар финал босқичида Қибрайнинг «Геофизика» жамоаси устидан 3:1 ҳисобида ғалабага эришишди.

«Металлург» футбол жамоаси вақилларидан Зухридин Бақулов «Энг яхши дарвозабон», Азизбек Матмураев «Энг яхши тўпурур» номинациялари бўйича голиб деб топилди.

— Бу муваффақиятда мураббийларимиздан Шерали Бобоқулов билан Илҳом Ҳамзаалиевларнинг хиссалари салмоқли бўлди, — дейди футбол мактаби директори Қахрамон Нурматов.

Жўра САЎДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Хайъати партия фаоли, иқтисод фанлари доктори, профессор Руфат Разақовга қизи Фаҳрия ХУСАНОВАнинг вафоти муносабати билан қучур таъзия билдиради.

«Овқатланиш ва савдо комбинати» МЧЖ жамоаси комбинат директори ШОРАХИМ ШОМАХМУДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига қучур ҳамдардлик билдиради.

Table with contact information for BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, Tahrir Hay'ati, Abdulla Oripov, Latif Gulomov, Asliddin Rustamov, Bobir Alimov, Sharbat Abdullayeva, Murodulla Abdullayev, Ulug'bek Mustafoyev, Tat'yana Kistanova, G'afvor Hotamov, Muslihidin Muhiddinov, Svetlana Gerasimova, Andrey Kustov, Ochilboy Ramatov, Saidahmad Rahimov, MUASSIS: O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi Markaziy Kengashi, BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda, MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy, info@uzbekistonovozi.uz, Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV, Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida, Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon Tung'atov, Zafar BAKIROV, O'zbekiston ovozi materiallari ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi, ISSN 2010-7633, O'za yakuni - 22.20, Topshirilgan vaqti - 22.40, 1 2 3 4 5 6 7 8, So'zunda erkin narxda